

Ж.М.Г. ЛЕКЛЕЗИО АСАРЛАРИДА “ДЕНГИЗ” ОБРАЗИ

Турсунмуратова Дилноза Турамуратовна
Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси

Аннотация:

Мазкур мақолада Ж.М.Г. Леклезии асарларида денгиз образининг ифодаланиши ва унинг асар ғоясини очиқ беришдаги ўрни ҳақида фикр юритилади

Аннотация:

В данной статье даётся особенности представления образа моря и его роль в реализации замысла автора в произведениях Ж.М.Г. Леклезии

Annotation:

This article describes the features of the representation of the image of the sea and its role in the implementation of the author's plan in the works of J.M.G. Leklesio

Ж.–М.Г.Леклезии асарларининг каттагина қисмини биографик романлар ва публицистика ташкил этади. Леклезии узоқ вақт биографик материал ижодида биринчи ўринга чиқишини истамаган. “Ailleurs” (Ўзга юртда) номли асарида у биографияга тахминан 10 % жой ажратган. Бироқ кейинроқ унинг “сахийлиги” тутиб, бу ҳажми анча кўпайтирган. 1993 йилдаги интервьюсида эса адиб “асарларидаги автобиографик материални назорат қилишни” тўхтатганини маълум қилган.¹

Леклезиининг уч асари – “Олтин изловчи” (Le Chercheur d’or) ва “Карантин” (La quarantaine) романлари ҳамда “Родригесга саёҳат” (Voyage a Rodrigues) кундаликлари бобоси Леоннинг Маврикийдаги ҳаёти ва Ҳинд океанидаги саргузаштларига бағишланган.

Леклезии “Олтин изловчи” романида денгизнинг жонлантирилган образини яратади. Леклезиининг денгизга бағишланган саҳифалари унинг барча ёзганлари ичида энг гўзал саҳифалардир. Унинг денгиз эслатилмаган, денгиз ҳақида ёзилмаган асарлари йўқ ҳисоб. У бир–бирининг ортидан қувиб келаётган денгизнинг учли ўнгачларини, сакраётган фаввораларни, сув карвонларининг толмас ҳаракатларини, қояларга урилиб парчаланаятган тўлқинларни, денгиз қушларию сув ости ажойиботларини тасвирлаб роҳатланади.

Леклезии денгизни дастлаб китобсевар катта бобосининг кутубхонасидаги китоблардан, денгиз сайёҳларининг ғаройиб ҳикоялари, саргузаштларидан ўрганди, “ҳақиқий” денгизни эса кейинроқ кашф этди – “мен денгизни илк бор кўрган кунимни, шу узоқ кунни, ойларга, йилларга татиғулик кунни асло ёдимдан чиқармайман.” – деб ёзади у “Олтин изловчи”да. Шунга қарамай у Ниццада ўтган болалигиданоқ шаҳар кўчалари,

¹Barbier Diane. Jean-Marie Gustave Le Clesio. Le Chercheur d’or // Connaissance d’une oeuvre. – Paris, Breal, 2005. – P.12.

майдонлари, боғларининг орқасида денгиз ҳиди пайдо бўлишини сезган, бу ҳидни тўсатдан эсанг шамол денгизнинг оҳиста шовуллашига қўшиб олиб келганлигини, денгиз ўзига бошқа бир ҳаёт ато этажагини яхши англаган. Ҳаёт йўли чизиб бўлинган: шаҳардан қочиб оламга чиқиш учун денгиз орқали ўтиш керак. Айнан денгиз эртанги кунга йўл очади. Бир денгизки, сокин, бепоён, устида олачарлоқлар учиб юрибди, бир денгизки, унинг бағрида ҳар нарса бўлиши мумкин. Леклезео денгиз ҳақида “инсон ҳақида” ўйлагандек фикр юритади – “Je pense à elle comme à une personne humaine”. Алексис қоронғуликда тўлқинларнинг келишини ҳудди бир одамнинг келишидек бутун вужуди билан кутади, уни яхши кутиб олишга шайланади – “Dans l’obscurite, tous mes sens sont en eveil pour mieux l’entendre arriver, pour mieux la recevoir”. Бола денгизни эшитади, мана у қимирляпти, у нафас олаяпти – “Je l’entends, elle bouge, elle respire” (*Олтин изловчи*).

Денгиз Алексиснинг қон-қонига сингиб кетган – “La mer est à l’intérieur de ma tête, et c’est en fermant les yeux que je la vois et je l’entends mieux” (*Олтин изловчи*).

Денгиз гўзал ва майин, кўёш тикка кўтарилганида унинг сувлари енгил, оч ҳаво ранг, самовий тус олади – “La mer est belle est bien douce. Quand le soleil est haut dans le ciel, l’eau devient légère, bleu pale, couleur de ciel” (*Олтин изловчи*).

Денгизнинг шовуллаши мусиқа каби нафис – “Le bruit de la mer est beau comme une musique” (*Олтин изловчи*).

Асар қаҳрамони Алексис бир кун ҳам денгизни кўролмади туролмайди – “Pas un jour sans que j’aie à la mer” (*Олтин изловчи*).

Бироқ денгиз ҳар доим ҳам бирдай эмас, баъзан унинг ҳам инсонларга ўхшаб жаҳли чиқади. Ана шунда у қирғоқ атрофидаги барча нарсани вайрон қилади, ютиб юборади – “Même la mère a changé. La mer gonflée qui envahit l’embouchure des rivières, noyant les gens dans leurs huttes” (*Олтин изловчи*).

Оила кучли тўфондан сўнг орол ичкарасидаги Форест Сайдга кўчиб ўтганидан сўнг болалар денгиздан узоқлашишади ва бундан жуда ўқинишади – “Maintenant pour nous, la mer n’existait plus” (*Олтин изловчи*).

Алексис ва унинг опаси Лаура яна денгизни кўриш иштиёқида ёнадилар, келажак ҳақида режалар тузадилар: улар бир куни денгизни албатта кўрадилар – “Il y aurait la mer, l’auteur de la mer portée par le vent, le bruit de la mer, et nous écouterons en frissonnant la voix oubliée qui nous dirait : ne partez plus, ne partez plus...” (*Олтин изловчи*).

Леклезео денгизда билим манбаини ҳам кўради: “Бу ерда мастлик, зўравонлик билан бирга илм ҳам ҳукмрон, ҳақиқий илм: тирик жонзодларни уларнинг оламига улайдиган илм. Демак ҳар нарсани кутиш мумкин: денгиз, замин ва само сирли иттифоқ тузишлари мумкин.” (*L’Inconnu sur la terre – Заминдаги бегона*).

Маяк ортида турган Бесон денгизга узоқ тикилиб туриб, шамолдан, денгиз заррачаларидан тўлиқ баҳра олар экан, мангуликка қўшни бўлмишнинг алласидан маст бўлади. Унинг руҳи денгиз жисмига кўчади. Унинг ҳаётда орттирган тажрибаси эса синоатларга тўла: “Мангу ҳаётнинг синоати шу. Нафас олмоқ зарур. Асло тўхтамаслик керак. Олам билан бирга нафас олмоқ керак. Денгизда, қоялар бағрида, булутлар орасида нафас олмоқ керак.” (*Le Deluge – Сел*).

Ёш қахрамоннинг болалигини денгиз тўлқинларининг шовуллаши аллалайди, қояларга келиб урилаётган тўлқинлар овозини, шу шовуллашни қахрамон қалбининг тубида эшитиши, қаерга борса уни ўзи билан бирга олиб юради — « C'est ce bruit qui a bercé mon enfance. Je l'entend maintenant, au plus profond de moi, je l'emporte partout où je vais. Le bruit lent, inlassable, des vagues qui se brisent au loin sur la barrière de corail. » (Олтин изловчи)

Леклезьо бобосининг изларини қидиришга денгиз орқали киришади. У орзуларнинг манбаи бўлган денгизни “чексиз, таниб бўлмас, одам ўзлигини йўқотиб қўядиган ёхуд ўзга одамга айланадиган дунё”ни орзу қилади (*Voyage à Rodrigues*). Ҳақиқий гўзаллик, тўқислик шу денгиздан келади. У ҳаёт кучидан таълим беради. “Денгиз билан ҳеч қачон ёлғиз қолмайсан.” – дейди Леклезьо “*Родригесга саёҳат*”да. Денгизнинг бир асрори бор. Унинг сарҳадлари умр чегараларидир. Денгиз одамларга бир синоат, бир хазина тайёрлаб қўйганки, бориб уни қидириш, аниқлаш ва топиш лозим. Инсон ҳақиқатни денгизда рўёбга чиқариши мумкин.

Леклезьо асарларида денгиз қушлари денгизга фарқ бўлган денгизчиларнинг руҳи деб қаралади. Агар “Сахро”да бу гапни қари денгизчи Наман айтса, “Олтин изловчи”да қахрамоннинг опаси Лаура айтади:

« Le vieux Naman dit quelquefois que les oiseaux de mer sont les esprits des hommes qui sont morts en mer dans. »¹ (“Сахро”)

« Laure dit qu'ils [oiseaux] sont les esprits des marins morts en mer. »² (“Олтин изловчи”)

“Сахро” романи қахрамони Лалла исмли қиз ҳар куни денгиз бўйига чиқади. У денгиз қирғоғида ўйнаб юрар экан, французча бир қўшиқни хиргойи қилади. Қўшиқ эса атиги бир сўздан иборат бўлиб, қизча уни радиода эшитган, маъноси нималигини ҳам билмайди: « Elle joint ses mains autour de ses genoux, elle se balance un peu d'avant en arrière, puis sur les côtes, en chantonnant une chanson en français, une chanson qui dit seulement : « Méditerranée-é-é... »

Lalla ne sait pas ce que cela veut dire. C'est une chanson qu'elle a entendue à la radio, et elle n'a retenu que ce mot-là, mais c'est un mot qui lui plaît bien. »³

“Мéditerranée” ўзбек тилига “Ўрта ер денгизи” деб таржима қилинади.

Леклезьо ўз асарларида инсон билан табиат бирлигини кўйлайди, замонавий техник жиҳатдан ривожланган, барча нарса фақат фойда олишга қаратилган жамиятнинг шахс учун нақадар хавфлилигини кўрсатади. Унинг бундай жамиятда яшашган кўникмаган қахрамонлари яна табиат кўйнига қайтадилар. Бу эса унинг асарларига юксак бадиийлик билан бир қаторда ҳаққонийлик бахш этади. Леклезьо асарларининг китобхонлар томонидан севиб ўқилишининг сабаби ҳам ана шундадир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Barbier Diane. Jean-Marie Gustave Le Clezio. Le Chercheur d'or // Connaissance d'une oeuvre. – Paris, Breal, 2005.
2. Le Clezio. Desert. – Paris : Gallimard, 1980.

¹Le Clezio. Desert. – Paris : Gallimard, 1980. – P.158.

²Le Clezio. *Le Chercheur d'or*. – Paris, Gallimard, Folio, 1985. – P. 69.

³Le Clezio. Desert. – Paris : Gallimard, 1980. – P.76-77.

3. Le Clesio. *Le Chercheur d'or*.
4. Le Clesio. L'Inconnu sur la terre. – Paris : Gallimard, 1986.
5. Le Clesio. Le Deluge.– Paris : Gallimard, 1994.
6. Le Clesio. Voyage a Rodrigues. - Paris : Gallimard, 1992.